

Қозоқбой Йўлдош

# ***СЎЗ ЁЛҚИНИ***

Тошкент-2017

## ИЧИДАГИЛАР

### ШЕЪРИЯТ ҚАЛДИРОҒИ

Сўзга жойланган ўзлик (Азим Суюн) .....	
Икки элнинг шоири (Турсунбой Адашбоев) .....	
Майин исён оҳанглари (Ўктамой) .....	
Кўнгил жилвалари (Шахло Аҳророва) .....	
Эл юрагидаги ижодкор (Ҳамид Олимжон) .....	
Эскирмас туйғулар куйчиси (Миртемир) .....	
Туйғулар ҳайқириғи (Усмон Азим) .....	
Эзгу сўз умри (Шавкат Раҳмон) .....	
Жозиб туйғулар жилваси (Ойдиннисо) .....	
Парда ортидаги нафис туйғулар (Ҳалима Худойбердиева) .....	
Туйғулар навқиронлиги (Шукрулло) .....	
Нозик сезимлар ифодаси (Саъдулла Ҳаким) .....	
Эрк ва ғурур оҳанглари (Хуршид Даврон) .....	
Кўнгилга йўналган сатрлар (Носиржон Тошматов) .....	
Тўфонга эврилган шивирлар (Абдулла Шер) .....	
Поэтик хотиранинг янгилашиши (Хол Муҳаммад Ҳасан) .....	
Заволсиз япроқлар (Жамол Муслим) .....	
Буюк кушнинг парвози (Ҳалима Худойбердиева) .....	
Гўзал изтироб талқинлари (Муҳаммад Юсуф) .....	
Айрилиқнинг умидбахш тасвири (Зулфия) .....	
Бадий баркамоллик (Алишер Навоий) .....	
Сувратланган руҳият (Абдунаби Бойқўзи) .....	
Шеърий ифода миллийлиги (Тўра Сулаймон) .....	
Сувратланган миллий рух (Абдулла Ориф) .....	
Беором юрак зарблари (Эркин Воҳидов) .....	

### НАСР ЧАҚИНЛАРИ

Бадийят қирралари (Тоғай Мурод) .....	
Нурли тафаккур (Пиримқул Қодиров) .....	
Синдирилган тақдирлар тасвири (Зулфия Қуролбой қизи) .....	
Тасвир ҳарорати (Эркин Аъзам) .....	
Кулгига эш тасвирлар (Аҳмад Аъзам) .....	
Юксалиш манзиллари (Омон Мухтор) .....	
Рухий пўртаналар шиддати (Одил Ёқубов) .....	
Рухият жилолари (Аҳмад Аъзам) .....	
Бугуннинг одами тасвири (Муҳаммад Али) .....	
Исёнкор оҳанглар (Зоҳир Аълам) .....	
Бадий концепциянинг янгилашиши (Исмоил Шомурод) .....	
Ўзига хос тақдирлар тасвири (Абдуқайом Йўлдош) .....	
Ёрқин шахсиятнинг серқирра ифодаси (Сайим Исоқ) .....	
Миллий насрдаги воқеа (Муҳаммад Салом) .....	

## ЎЙЛАР ЙИЛДИРИМИ

Кўркем ифода теранлиги (Шароф Бошбеков) .....	
Илмий тафаккур мавжлари (2011 йил адабиёттанувчилиги) .....	
Изланишлар турфалиги (2015 йил романлари) .....	
Навоийшуносликдаги улкан воқеа (Қомусий луғат) .....	
Эркин сўз умри (Шукур Холмирзаев) .....	
Алпомиш – ор қўрғони (“Алпомиш” достони) .....	

# **ШЕЪРИЯТ ҚАЛДИРОҒИ**

Бу иқрорлар – орли ўзбек йигитининг, маишат изламаган, номусни жонидан баланд қўйган асл эркакнинг қалб сўзлари! Қалмоққа келгач, отлар пойгаси бошланганда Ойбарчиннинг ўзи канизлари орқали чорлаганда ҳам Алпомиш сабрида собитлигини кўрсатади. У бир мусулмон сифатида ношаръий ҳузурдан бош тортади:

Бул бориш, қирқинлар, айб бўлмайми?  
 Бойсарибой билса, гина қилмайми?  
 Эшитса, элу халқ бизга кулмайми?  
 Бу борувим менинг айбим бўлмайми?  
 Одамлар шаънима номард қилмайми?!

Ҳақимбекнинг қанчалик мулоҳазали ва инсофли йигит экани Барчиннинг ўзи чорласада, ҳали шаръан маҳрами бўлмаган қиз ҳузурига “қаллик ўйин”га бормаганида намоён бўлади.

Рамз, ишора – бадий ижоднинг бош белгиси. Ҳаётни боридай акс эттиришга қаратилган одми сўз бадииятга тегишли эмас. Таъсирли, ҳиссий сўзгина кўркемлик яратади. Ўзбек – табиатан ижодкор улус. Чунки у айтмай, ишора қилади, рамз билан ифода этади. Халқимиз кўпинча айтиб, кўрсатиб ўтирмайди, балки имо билан иш битиради. Алпомишнинг Қоражонга айтган қуйидаги сўзларида шу жиҳат кўзга ташланади:

Кўкқамиш кўлидан суқсур учирдим,  
 Суқсурни излаган лочин бўламан...  
 ...Камбағали қирқ минг гала ҳайдаган,  
 Шул галада бизнинг бир моя келган,  
 Моянинг йўқчиси, нори бўламан.

Алпомиш тилга олган “суқсур”, “лочин”, “моя”, “нор” атамалари ўзбек турмуш тарзининг миллат бадий-эстетик тафаккурига кўрсатган кучли таъсирининг эстетик моддийлашувидир. Ушбу ифодалар бахшининг халқ фикр тарзини доҳиёна илғаб олиб, санъаткорона қайта ишлашининг бетакрор намунаси ҳамдир. Йигит Ойбарчин номини тилга олмасдан туриб, у ҳақда гапирди. Гоҳ чиройли ёввойи қуш “суқсур”, гоҳ вояга етган урғочи туяни англатувчи “моя” сўзлари орқали қизни рамз воситасида таърифлайди. У Барчиннинг отини унар-унмасга оғизга олиш қизни гапга қолдиришга сабаб бўлади, деб ўйлайди. Зеро, аёл ҳақидаги гап ўзбекка қаттиқ таъсир қилади. Ўзбек тасаввурича, аёл бегуноҳлигининг муҳим белгиси унинг орқасидан гап-сўз чиқмаслигидир. Ортидан гап-сўз чувалашган аёл қанчалар ҳақ бўлмасин, эл назарида айбдор бўлиб қолаверади. Ўзбек йигитини аёлининг фақат бугуни ва эртасигагина эмас, балки ўтмишига ҳам уйланади, дейиш мумкин. Қачондир иснодли иш қилган аёлнинг айби унутилмайди ҳам, кечирилмайди ҳам.

“Алпомиш” достони қаҳрамонлар шахсиятига хос хусусиятларни уларнинг нутқи орқали бера билиш нуқтаи назаридан беназир битикдир.

Кўкалдошнинг куйидаги сўзларида унинг нияти, нияти орқали эса шахсияти намоён бўлади:

Сўз айтади мендай алплар,  
 Менга бўлмайсан баробар,  
 Бул хотинимда ниманг бор?  
 Кет энди, сендай баччағар.  
 Тоғ бошини чалар туман,  
 Чангалима бўлсанг дучор,  
 Ўзбак, қутулмоғинг гумон.

Кўринадики, Кўкалдошнинг сўзларида даъво оғир, аммо уларнинг асоси енгил. Ойбарчин қўйган бирор шартни ҳам бажармай туриб, уни “хотиним” дейиши, Алпомишни ўзидан ночор билиб, “баччағар” деб аташи унинг шахсиятига хос жиҳатларни ёрқин кўрсатади. Кўкалдошнинг ваҳимали бўлсада, тош босмайдиган даъволари енгилгина саккиз бўғинлик мисралар орқали ифодаланиши бежиз эмас. Алпомишнинг рақибига жавоби ўн бир бўғинли вазмин шеърини йўлда берилиши эса бахшиларнинг улкан бадий маҳоратга эгаллигидан далолатдир. Негаки, ҳам йигитнинг сўзлари мазмунида, ҳам бу мазмуннинг ифода йўсинида бош қаҳрамон шахсиятига хос маънавий салмоқ акс этган:

Тикилсам қурийди дарёнинг гуми,  
 Наъра тортсам қулар қўрғоннинг тими.  
 ...Кетган одам излаб бунда келами?  
 Келган одам сендан камроқ бўлами?  
 Ўзи ўлмай киши ёрин берами?  
 Ҳеч бир элда сендай тентак юрами?  
 Лоф уриб ўзини бозор солами?  
 Лоф билан қўлидан бир гап келами?

Бу мисралар вазнидаги виқор, ифодадаги салмоқ ҳам сўзлар замиридаги юкнинг оғирлигидан белги, ҳам уларнинг жиддийлигидан далолат. Ифоданинг фавқулодда ёрқинлиги Алпомиш кудратининг кўлами айтим бошидаги: **“Тикилсам қурийди дарёнинг гуми, Наъра тортсам қулар қўрғоннинг тими”** тарзидаги ўта қуюқ муболаға орқали гўзал ва аниқ намоён бўлган. Табиатан андишали, камтар Алпомиш ўзини бундан ортиқ таърифлай олмасди. **“Ҳазиллашма, қалмоқ, мендай султонга, Сен мард бўлсанг чиқа бергин майдонга”**, - дейиши Алпомишнинг феъли ҳақидаги энг аниқ тавсифдир. Бундан ортиқ гап айтиш мақтанчоқлик, чираниш бўлиб, Алпомиш табиатига сира тўғри келмасди.

“Алпомиш” достонида тавсиф, изоҳ, яъни ахборот кам, аммо тасвир орқали кўрсатиб бериш устувор. Жумладан, Кўкалдош тимсолидаги ярамас жиҳатлар айтилмайди ҳам, баҳоланмайди ҳам, балки унинг тутумлари тасвири орқали шахсиятининг қандайлиги кўрсатиб берилади. Бу шахс

ҳақида бирор тўхтамга келиш дostonхон ихтиёрига қолади. Тасвирдан кўринадик, Кўкалдош табиатида ўйламай гапириш, подадан олдин чанг чиқариш хусусияти етакчилик қилади. Айни шу жиҳатлари сабаб у бахшида ҳам, тингловчиларда ҳам нохуш муносабат уйғотади.

Нописандлик, катта оғизлик, ўйламасдан сўзлаш иллатлари унинг ёқимсизлигига сабаб бўлган омиллардир. Жумладан, пойгада у Қоражонга: *“Менга душман бўлган одам ўлади, Хотинимни қайтиб ўзбак олади”*, яна *“Жувормак, ўздирма, ўзбак отини, Армонман кетмасин аканг хотини”*, дейди. Ҳолбуки, Барчиннинг унга хотин эмаслиги аён ҳақиқат. Ўзи уйланмоқчи бўлиб юрган қиз тўғрисида шу йўсин сўзлашининг ўзиёқ Кўкалдош ички дунёси қандайлигини тўлиқ кўрсатади. Барчин қўйган шартларни бажаришда у ҳалол енгил тўғрисида ўйламайди. Ниятига етишда восита танламайди.

Алпомиш гап эмас иш одами бўлгани учун бекорга дам урмайди, ваҳима қилмайди. Беҳуда чиранмагани, иш кўрсатадиган тадбиркор бўлгани боис пойгада оти олдин келади, ёйи синмай қолади, милтиқ билан минг қадамдаги тангани ура билади. Қалмоқларга қарши курашга олдин Қоражонни солгани ҳам ўз куч-қудратига муносиб иш қилгиси келганидан, кучлироқ рақиб билан олишишни истаганидандир. Шу йўл билан дўстини синаб ҳам олади. Алпомиш амал кишиси бўлгани сабаб Кўкалдошнинг кўтарма гаплари унга малол келади. Йигит руҳиятидаги бир кўп жиҳатлар Кўкалдош пўписасига жавобан айтган сўзларида яққол кўрилади:

Ҳар ким ўз элига бекми, тўрами,  
Ўзи ўлмай киши ёрин берами?  
Келгин, қалмоқ, бирга майдон қилайин,  
Насиб этса, сенинг додинг берайин,  
Зўрлик қилсанг, тақдирга тан берайин.

Бу сўзларда андишали йигитининг маънавий қиёфаси намоён бўлади. У рақиб сингари, элдан бурун, мен сени йиқитиб, Барчинни оламан, деб чиранмайди. Айни вақтда, ёри учун омонсиз курашга шайлигини ҳам билдиради. Лекин олдиндан катта оғизлик қилмай: *“Насиб этса, сенинг додинг берайин”*, дейди. Шу билан бирга: *“Зўрлик қилсанг, тақдирга тан берайин”*, дейишгада ўзида куч топади. Номус, орият учун сўнгги нафасигача курашмоқчилигини рақибига: *“Ўлдириб оласан, Барчин ёрингни”*, дея билдиради. Бу тасвирларда унинг номус учун ҳаётини тиккани йигитлиги англашилади.

Дostonда Алпомиш руҳиятидаги ғоят ичкин жиҳатлар тенгсиз маҳорат билан акс эттирилган. Бу ифода ингичкалиги, айниқса, Алпомиш билан Кўкалдош ўртасидаги кураш манзараси тасвирида яққол кўрилади:

Ҳарчандки чирпинди Бойсиннинг хони,  
Йиқмоққа келмади бекнинг дармони.  
Зўр экан Кўкалдош, жуда бемаъни.

Зўр қилиб, инграниб шундайин шунқор,  
 Кўкалдош ҳам бўлди хонга баробар,  
 Шудгордайин бўлиб қолди бу ерлар.  
 ...Иккови қайтмасдан майдон қилади,  
 Жон бозори кўп олишиб туради.

Тасвир нозиклиги, руҳият драматизми кескинлиги жиҳатидан мазкур тасвир асарда ўзгача аҳамият касб этади. Ҳолат ифодасининг ҳаққонийлиги, айниқса: *“Ҳарчандки чирпинди Бойсиннинг хони, Йиқмоққа келмади бекнинг дармони”* сатрларида авж нуқтага кўтарилган. Ўринли қўлланилган сўзгина бадиий ифодага айланади. Юқоридаги тасвирлар ахборот беришга эмас, балки руҳий ҳолат манзарасини чизишга қаратилган. Шу сабаб “чиранди” ёки “уринди” ёхуд “тиришди” эмас, айнан, *“чирпинди”* сўзи ишлатилган. Бу сўз ёғийни енгишга чоғи келмаётган Алпомиш ҳолати учун махсус яратилгандай. Достондаги: *“Иккови қайтмасдан майдон қилади, Жон бозори кўп олишиб туради”* сатрларида кураш майдонидаги шиддат ва руҳий-жисмоний таранглик энг муносиб тарзда ифода этилгани унинг таъсир даражасини неча бор юксалтиради. Майдондан бирови тирик чиқиб кетишини бўйинларига олган курашчилар ҳолати учун “жон бозори”дан кўра мосроқ ифода топиш мумкин эмас.

Достонда ҳолат драматизми, вазият таранглиги, бутун одам учун орномуснинг ҳаётдан қиммат экани Ойбарчиннинг рақибини йиқолмаган Алпомишга мурожаатида жуда қуюқ ва бўртиқ акс этган:

Очилар баҳорда боғларнинг гули,  
 Гулни кўрса маст бўп сайрар булбули,  
 Нармода бўлибсиз, бий бобом ули.  
 Йиқолмасанг, бизга беринг навбатди,  
 Жуда келди Барчин ёринг ғайрати.  
 ...Қизлар сизни нармода деб айтади,  
 Қизларнинг айтгани менга ботади.  
 Мардлар олишмайди, силтаб отади,  
 Майдон бўлса иш кўрсатиб кетади.

Ойбарчиннинг бу иддаоларида ҳадик-хавотир ҳам, нозу фироқ ҳам, эркалигу висолга ошиқиш ҳам, ғайрат-шижоат ҳам, ранжиш ҳам бирваракайига акс этган. У ёрининг майдонда иш кўрсатиб, Кўкалдошни дангал йиқитиб, ҳаммани ҳайратга солишини истайди. Алпомишнинг аслида кучли экани, фақат унга ғайрату шиддат етишмаётганини тўғри англайди. Бўшангликни йигит кишига ярашмайдиган сифат деб биладиган Ойбарчин айнан аччиқ гаплари билан ёрига кўмак беради. Чинданда ёрнинг ўтли сўзлари Алпомишни “шердил” қилиб юборади ва у ғанимини йиқитади. Бу ҳолат ҳам асарда жуда ишонарли ифода этилган:

Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,



Сўзи Алпомишга ботиб кетади.  
 Ғайрати ғайратга бекнинг етади,  
 Ёр сўзиман шердил бўлиб кетади,  
 Чирпиб Кўкалдошни кўкка отади.

Достонда қаҳрамоннинг руҳий оламидаги кўз илғамас нозик жиҳатлар юксак маҳорат билан тасвирланган. Алпомиш фақат билагида куч кўп бўлгани учун эмас, руҳи бақувват бўлгани, эзгу ва юксак туйғуларга ёвук экани сабаб ғолиб бўлади. Унинг маънавий таянчи, йўқотадиган жонидан-да азиз нарсаси – ор бор эди. Орият учун эса курашиш талаб этилади. Ор-номус эзгуликнинг ажралмас бир кўриниши сифатида Яратгanning ҳимоясида. Шу боис орли одамни енгиб бўлмайди.

\*\*\*

Ҳар қандай бадиий битик ҳақидаги ҳукму хулоса фақат асар матнидан келтириб чиқарилиши керак. Матндан айри чиқарилган хулоса тупуклаб ёпиштирилган каби омонат бўлади. Бу жиҳатдан Алпомишнинг Ойбарчин ёрини қалмоқ алпларидан айириб Қоражон ва ўн минг уйлик кўнғиротлар билан Бойсинга қайтиб келаётганини Бойбўрига билдириш учун борган чопар тилидан айтилган сўзлар достоннинг йўналишини, айниқса, Алпомиш образини ҳаракатга келтирган сабабларни кўрсатиши нуқтаи назаридан беқиёс аҳамиятга эга. Алпомиш келаётгани ҳақида Бойбўрига хабар қилиб, чопар шундай дейди:

Бек Алпомиш улинг келди,  
 Рухсат олмай шикор кетган,  
*Дин йўлида жавлон этган,*  
 Ўз юртини ёд этган...  
 Ҳакимбек қайсаринг келади.  
 ...Қалмоқ элдан ёрин олиб,  
*Номус билан орин олиб,*  
 Келаётир шердай бўлиб...

Ушбу парчанинг курсив ва жир билан кўрсатилган сатрларида Алпомиш тимсолининг жавҳари акс этган дейиш мумкин. Асардаги бутун воқеаларнинг Алпомиш томонидан “дин йўлида” ва “номус билан орин олиш” учун содир этилганлиги чопар тилидан шу тариқа ёрқин ифода этилади.

“Алпомиш” достони ва ундаги Алпомиш, Қоражон, Қалдирғоч, Ойбарчин тимсоллари ўтмишдаги афсонавий кишиларнинг саргузаштларини акс эттирувчи образлар эмас. Улар кеча яшаганлари, бугун яшаётганлари каби келажакда ҳам яшайверадилар. Дунёда ўзбек деган миллат бор экан, бу қаҳрамонларга ҳавас қилиш, улардаги энг эзгу жиҳатларни ўзлаштиришга интилиш узлуксиз давом этаверади.

2016 йил 10-21 ноябр